

“ЎзРТХБ” АЖ Бошқарувининг 2015 йил
5 майдаги 69-сонли баённоммаси билан
тасдиқланган

**Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси Дисциплинар комиссияси
тўғрисида НИЗОМ**

(янги таҳрири)

Тошкент 2015 й.

Мазкур Низом “Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, “ЎзТХАБ”да биржа савдоларини ўтказиш Қоидаларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси Дисциплинар комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади)ни ташкил этиш ва ишлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом биржа, биржа аъзолари, савдо майдончалари ва уларнинг регистрларига тадбиқ этилади.

2. Комиссия Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси (кейинчалик - биржа)нинг доимий фаолият кўрсатувчи органи ҳисобланади.

3. Комиссия биржа аъзолари ва уларнинг трейдерлари, савдо майдончалари ва уларнинг регистраторлари томонидан йўл қўйилган қоидабузарликларни кўриб чиқади, ҳамда уларга нисбатан “ЎзРТХБ”да биржа савдоларини ўтказиш Қоидалари ва ушбу Низомга мувофиқ қарорлар қабул қилади.

II. Комиссия таркиби ҳамда унинг ишини ташкил қилиш

4. Комиссия таркиби раис, унинг ўринбосари ва комиссия котиби вазифаси юклатиладиган битта комиссия аъзосидан иборат бўлади. Комиссия таркиби биржа Бошқаруви томонидан тасдиқланади.

5. Комиссияни унинг раиси бошқаради. Комиссия раиси: Комиссиянинг ишини такли қилади; Комиссия мажлиси вақти ва жойини белгилайди; Комиссия мажлисларида раислик қилади; Комиссия қарорлари ижроси бўйича назоратни амалга оширади.

6. Комиссия раисининг йўқлигида унинг вазифасини Комиссия раисининг ўринбосари бажаради.

7. Комиссия аъзолари Комиссиянинг ишида ҳамда Комиссия томонидан қарор қабул қилиш вақтида овоз беришда қатнашади, Комиссия мажлиси ўтказиш учун тегишли материалларни йиғади.

8. Комиссияда аъзолик, биржа Бошқарувининг қарори билан Комиссия аъзосининг малакаси етишмаслиги сабабли ҳамда унинг аризасига асосан тугатилиши мумкин.

9. Комиссия аъзосининг малакаси етишмаслиги ҳолати аниқланган тақдирда, Комиссия раиси унинг малакаси етарли эмаслигини аниқ фактлар билан асослаган ҳолда, унинг аъзолигини тугатиш ҳақидаги таклиф билан Биржа Бошқарувиغا муурожаат қилади.

10. Иш юритиш комиссия котиби томонидан амалга оширилади. Комиссиянинг иши юзасидан ҳужжатларни юритиш ва сақлаш Комиссия котиби томонидан амалга оширилади.

11. Хужжатлар айланиши Комиссиянинг махсус модули ва электрон почтаси томонидан амалга оширилади. Комиссия котиби Комиссия хужжатларининг айланиши бўйича жавобгар ҳисобланади.

III. Комиссиянинг иш тартиби

12. Комиссия йўл қўйилган қоидабузарликларни Бошқарув, таркибий тузилмалар, Биржанинг Арбитраж комиссияси ва биржа аъзоларининг аризалари (мурожаатлари) асосида кўриб чиқади.

13. Мурожаатлар Комиссиянинг «dk@rtsb.uz» электрон почтасига юборилади.

14. «dk@rtsb.uz» – комиссиянинг электрон почтаси ҳисобланади ва бу почта орқали амалга оширилган ёзишмалар Комиссия номидан олиб борилади.

15. Арбитраж комиссияси ва Маклериатнинг мурожаатлари Комиссиянинг махсус модули орқали қабул қилинади.

16. Ариза қабул қилингандан кейин, Комиссия ушбу аризани у келиб тушган кундан бошлаб уч иш куни ичида кўриб чиқиши шарт.

17. Комиссия мажлиси агар Комиссия аъзоларининг камида икkitаси иштирок этса ваколатли ҳисобланади.

18. Комиссия қарори мажлисда иштирок этган Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

19. Комиссия қарори сиртдан барча Комиссия аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

20. Қабул қилинган Комиссия қароридан фарқ қиладиган Комиссия аъзосининг алоҳида фикри ёзма равишда расмийлаштирилади ва Комиссия қарорининг ажралмас қисми ҳисобланади.

21. Қабул қилинган қарор тегишли биржа аъзоларининг махсус кабинетлари ёки электрон почталарига юборилади.

22. Аризалар уларнинг келиб тушишига қараб кўриб чиқилади.

23. Зарур ҳолларда Комиссия ўзининг мажлисига биржа аъзоларини таклиф этиши ёки улардан кўрилатган иш билан боғлиқ материалрни сўраб олишга ҳақли.

24. Комиссия мажлисида биржа аъзоларига боғлиқ масалалар кўрилатганда, ушбу биржа аъзолари мажлисда иштирок этишга ҳақли.

25. Зарур ҳолларда Комиссия, кун тартибидаги масалани кўришни бошқа кунга қолдириши мумкин. Бунда масалани кўришни қолдириш муддати икки календар кундан ошмаслиги керак.

26. Агар кун тартибига киритилган масалани кўриб чиқиш Комиссиянинг ваколатига кирмаса, Комиссия ушбу масалани кўриб чиқишни рад қилиш ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

27. Асослантирувчи ҳужжатлар ва етарли асослар бўлмаса, Комиссия қоидабузарлик ҳолати мавжуд эмаслиги ҳақида қарор чиқариши мумкин.

28. Комиссия ўз ваколати доирасида қарор қабул қилади ва Биржа савдолари Қоидаларида кўрсатилган жазо чораларини қўллайди.

29. Комиссия қарори биржада биржа аъзоси сифатида фаолият кўрсатмаётган шахсларга таъсир қилмаслиги керак.

30. Комиссия қарори биржа аъзолари ва биржанинг таркибий тузилмалари томонидан ижро қилиниши учун мажбурийдир.

31. Кўрилган иш билан боғлиқ қўшимча ҳолатлар келиб чиқса, комиссия ўз қарорини қайта кўриб чиқишга ҳақли.

32. Кўриб чиқиш Комиссия ваколатига киритилмаган қоидабузарлик ҳолатлари, шу жумладан қонун ҳужжатлари талабларини бажарилмаганлик ҳолатлари аниқланган тақдирда, Комиссия материалларни биржанинг тегишли таркибий тузилмаларига ўтказиши шарт.

33. Комиссия қарорига асосан биржа аъзоси жабрланувчига биржанинг комиссия йиғимларини тўлаши (қоплаши) лозим бўлиб, жабрланувчи ушбу сумманинг қопланишидан воз кечса, айбдор комиссия аъзоси биржанинг комиссия тўловларини тўлашдан озод этилади. Бунда жабрланувчининг хати Комиссия томонидан электрон почта орқали Ҳисоб клиринг Палатасига маълумот учун юборилади ва ушбу масала юзасидан Комиссиянинг алоҳида қарори талаб қилинмайди.

34. Дисциплинар жазо бевосита қоидабузарлик содир этилгандан бошлаб узоғи билан бир йил ичида қўлланилиши мумкин.

35. Содир этилган битта қоидабузарлик учун фақат битта Дисциплинарий жазо қўлланиши мумкин.

36. Агар биржа аъзосининг битта ҳаракатида бир нечта қоидабузарлик бўлиб, уни кўриб чиқиш Комиссия ваколатига кирса, Дисциплинарий жазо энг оғир қоидабузарлик учун қўлланилади.

37. Бир ҳил қоидабузарлик учун турли хил Дисциплинар жазо чораси қўллаш таъқиқланди.

38. Комиссия қарори олинган кундан бошлаб 10 кун ичида жарима тўланиши, комиссия йиғими эса қопланиши шарт. Жабрланувчининг комиссия тўловларидан воз кечиш ҳақидаги аризаси, тўлов амалга оширилиши лозим бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

IV. Комиссия қарори бўйича низолашиш

39. Ўзларига нисбатан қарор қабул қилинган шахслар, ушба қарор устидан судга шикоят беришлари мумкин.

40. Комиссия қарори суд томонидан бекор қилинган тақдирда, биржа аъзосига у томонидан илгари тўланган жарима суммаси қайтарилади ва берилган жазолар бекор қилинади.

41. Жарима суммаси Комиссия қарори бекор қилинган кундан бошлаб 10 кун ичида қайтарилади.

V. Якуний қоидалар

42. Ушбу Низом, унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар биржанинг расмий веб-сайтида эълон қилинганидан беш иш куни ўтгач кучга киради.